



“ 28 ” январь 2016 йил

№ 9ф

Урганч ш.

Нусха № \_\_\_\_\_

Вилоят иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, фан ва техниканинг муҳим илмий ва технологик муаммоларини ҳал этиш, илм-фан соҳасининг барча жабҳаларида ёш олимларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда улар ўртасида ўзаро илмий-иқодий ҳамкорликни кучайтириш, илмий ва илмий-техникавий анжуманларни самарали ўтказиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги 33-ф-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 январдаги 33-ф-сон фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Тумандар ва Урганч шаҳар ҳокимликлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар иштирокчиларини анжуманларни ўтказиш учун масъул бўлган ташкилотларнинг буюртманомагарига мувофиқ тегишли равишда меҳмонхона жойлари билан белгиланган тартибда таъминласинлар ҳамда уларга тиббий хизматлар кўрсатсинлар.
3. Вилоят ички ишлар бошқармаси анжуманлар ўтказиладиган, иштирокчилар жойлашадиган, овқатланадиган, ташриф буюрадиган жойлар ва уларнинг ён-атрофида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнғин ва фуқаролар хавфсизлигини, иштирокчиларни ҳаракатланиш йўналишлари бўйлаб йўл-патруль хизмати патруль автомашиналари ёрдамида кузатиб борилишини таъминласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси, тегишли вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар (кейинги ўринларда анжуманлар деб юритилади) режаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ таъминланганлиги;

мазкур анжуманларни ўтказиш учун харажатлар ташкилотчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобдан қопланиши;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар:

анжуманларни ўтказиш учун зарур маблағларни ажратилишини назарда тутишлари ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланишини назорат қилишлари;

анжуманларни пухта тайёргарлик асосида, белгиланган муддатларда, юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини таъминлашлари;

анжуманлар ўтказилганидан сўнг улар ҳақидаги ҳисоботлар ва анжуманларда қабул қилинган тавсияномаларни ўл қул мулатат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига тақдим этишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси:

ўтказилган анжуманларнинг якуналарини умумлаштириши ва уларнинг илмий, -ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги тахлилий ҳисоботини 2017 йилнинг январь ойида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши;

ушбу фармойиш билан маъқулланган анжуманлар рўйхатини, уларни ўтказувчи ташкилотлар, ўтказиш санаси, жойи ва анжуманлар веб-сайти тўғрисида маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши ҳамда уларнинг домний равишда янгилашиб борилишини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур фармойишга мувофиқ амалга оширилиши режалаштирилган тадбирларни ўтказиш учун масъул бўлган идораларнинг талабномаларига биноан, анжуманларда катнашадиган хорижий мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва бошқа йўғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Хоразм вилояти телерадиокомпанияси, “Хоразм хақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари билан тахририятга ўтказиладиган анжуманларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёғитиб борилиши тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

П.Бобожонов

